




ҲУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНияТЛАР БОРЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 март куни Хитой Халқ Республикасининг Шинжон-Уйғур автоном райони Халқ ҳукумати раиси Эркин Тунияз бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.



Ўзбекистон ва Хитойнинг кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтириш, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудлари ва ШУАР ўртасидаги амалий алоқаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қўриб чиқилди.

Ўзбекистон — Хитой дўстлик ва барча шароитда стратегик шериклик муносабатларидаги бугунги юксак даража катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистоннинг Шинжон-Уйғур автоном райони билан товар айирбошлаши ошмоқда — бугунги кунда мамлакатларимиз ўзаро савдосининг қарий 10 фоизи шу ҳудудга тўғри келади.

ШУАРнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликдаги инвестиция лойиҳалари портфели 3,5 миллиард долларни ташкил этиб, бугунги кунда “яшил” энергетика ва электротехника, қурилиш тармоғи ва янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, металлургия, инфратузилмани модернизация қилиш ва бошқа йўналишларни қамраб олади.

Маданий алмашинувлар дастури фаол амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ШУАР билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш муҳимлигини таъкидлади. Инновацион технологиялар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт ва логистика, банк-молия соҳаси, таълим, анъанавий tibbiёт каби бир қатор устувор йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон ҳар йили Урумчи шаҳрида ўтказиб келинаётган “Экспо Хитой — Евроосиё” бош кўргазмасида фаол иштирок этиши қайд этилди.

Учрашувда гуманитар ва туризм алоқаларини ривожлантириш масалалари ҳам афзолича муҳокама қилинди.

“Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” темир йўлини қуриш лойиҳасини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА РЕЖАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев мактаб таълимини ривожлантириш ва сифатини оширишга оид режалар тақдимоти билан танишди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида таълим тизими ислохотлари энг биринчи вазифа этиб белгиланган. Шунга мувофиқ, бу соҳа ҳам умумий, ҳам ихтисослаштирилган тарзда ривожлантирилмоқда. Жумладан, юртимизда 14 та Президент мактаби, 9 та ижод мактаби ва 182 та ихтисослаштирилган мактаб фаолият юритмоқда. Ўтган йиллардаги тажриба ва ҳаёт талабидан келиб чиқиб, улардаги йўналишларни тақомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган мактабда Мюнхен техника университети билан ҳамкорликда, тажриба тарихида, муҳандислик дастурларини жорий қилиш тақлиф этилмоқда. Бу дастур “Янги Ўзбекистон” университети дастури билан интеграция қилинади.

Юқори малакали педагоглар имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадида Президент таълим муассасалари агентлиги ҳузурида жамоатчилик асосида “Фан кенгашлари” тузилади. Бу кенгашлар таълим дастурларини ишлаб чиқиш, баҳолаш тизимини тақомиллаштириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга жалб қилинади.

Келгуси ўқув йилидан 14 та мактабда фанларни инглиз тилида ўқитишни йўлга қўйиш, 2025-2026 йилларда 8 та янги ихтисослашган мактаб қуриш режалари ҳам айтиб ўтилди.

Ижод мактаблари бўйича ҳам тақлифлар бор. Жумладан, уларда таълим адиблар ва жамоат арбоблари иштирокида маҳорат дарслари ташкил этилади. Ўқувчиларнинг ижодий ишларини Ўзбекистон уюшмаси ҳисобидан нашр этиш йўлга қўйилади. Турли кўрик-танловлар ўтказиш орқали иқтидорли ёшлар қўллаб-қувватланади.

Таълим сифатини оширишда фан олимпиадалари муҳим. Сўнгги йилларда ғолибларни муносиб рағбатлантириш тизими жорий этилгани натижасида билимга интилиш кучайди. Талабгор ўқувчилар, “катта бешлик” фан олимпиадаларида қўлга киритилган медаллар аввалгига нисбатан икки баравар кўпайди. Мамлакатимизда Ал-Фарғоний, Беруний, Менделеев номидаги халқаро олимпиадалар ўтказилди.

Бу ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида Ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш маркази ташкил этиш тақлиф қилинмоқда. Унга етук олимлар ва хорижий мутахассислар жалб этилади, ўқувчиларнинг ҳар бири ривожланиш дастури орқали мақсадли тайёрланади.

ЎЗА

ШУКУХ ТАЯНЧ НУҚТА

Президентимизнинг Наманганга бу сафарги ташрифи нафақат вилоятимиз, балки бутун юртимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Негаки ташриф доирасида ифторлик дастурхони ёзилди. Ҳозир жуда оддий қилиб айтаямиз. Аслида, бу ниҳоятда катта воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбари билан бир пайтда мамлакатимиз бўйлаб нурунийлар, жамоатчилик вакиллари эзгулик улашилган битта дастурхон атрофида жамландик. Халқимизга хос самимий мулоқот килдик. Шу маънода, маърифий тадбир халқимиз ва давлатимизнинг бирдамлик рамзи бўлди.

Халқимиз табиятан эътиқодида собит, элпарвар, ватансевар. Бу эзгулик, поклик рамзи бўлган Рамазон ойида яққол кўзга ташланади. Улуғ айём кунларида саховат қилиш, кекса, касалманд кишилар ҳолидан хабар олиш кўпаяди. Бир-биримизга меҳр-оқибатимиз янада ортади. Бугунги тезкор замонда халқларнинг шу каби асл ва азалий қадриятларини сақлаб қолиш жуда муҳим. Бунинг учун, аввало, ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш зарур. Ёшлар — юртининг катта кучи, энг бебаҳо бойлиги, ўзгаришларни тез қабул қиладиган қатлам. Демак, уларнинг таълим-тарбиясига қаратилган эътиборни бир лаҳза сусайтириб бўлмайди.

Давоми 2-бетда



ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ КУРАШМОҚ — ЎЗИНИ ЎЗИ ЕНГМОҚ

Статистик маълумотларга кўра, мустақиллик арафасида — 1991 йилда мамлакатимиз аҳолиси 20 миллион кишини ташкил этган. Бугун Ўзбекистон — халқи 37 миллион кишидан иборат, тобора ривожланиб бораётган, ўз олдига суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий давлат барпо этишни мақсад қилиб қўйган, дунёнинг деярли барча мамлакаати эътироф этаётган, нуфузи кундан кунга ортиб бораётган озод ва ҳур давлат.

Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин ўзгариб бормоқда. Нафақат яқин икки-уч йилда мамлакатимизга келмаган хорижий дўстларимиз, ҳатто ўзимиз ҳам юртимиздаги ўзгаришлар, туб ислохотлар туфайли тобора тараққий этаётган иқтисодиётимиздаги янгиликлар моҳиятини англашга улгурмаямиз. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, барча соҳага рақамлаштириш, “яшил” ва инновацион технологиялар жадал кириб келмоқда, янги-янги замонавий соаноат ва энергетика мажмуалари, автомобиль ва темир йўллар, технопарк ва IT-парклар, “ақли” ва электрон бошқарув тизимлари барпо этилмоқда.

Биз олдимизга улкан мақсадлар қўйдик. Улардан кўзлаган орзу-ниятларимиз инсон қадрини улуғлаш, унинг яшashi, турмуши, меҳнат қилиши, замонавий таълим турларидан баҳраманд бўлиши учун муносиб шарт-шароит яратишдан иборат.

Умумхалқ муҳокамаси натижасида қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси бизни буюк марралар сари сафарбар этмоқда. Ушбу стратегияга мувофиқ, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 2 баробар ошириб, 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига даромад миқдорини эса ўртача 4 минг долларга етказишни режа қилганмиз.

Шубҳасиз, бу жуда мураккаб, ҳар биримиздан улкан билим, салоҳият, фидокорона меҳнат қилишни, халқимиздан миллий бирлик, уюшқоқлик, ҳар жабҳада жасорат ва кучли ирода кўрсатишни талаб этадиган вазифалардир. Бироқ мутафаккир алломаларимизнинг илмий-маънавий меросидан руҳланиб, давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган ва илмий асослан-



ган стратегик режаларга суянган халқимиз кўзланган марраларга, албатта, эришади. Бунга ҳеч кимда шубҳа йўқ.

Айни пайтда яна битта муҳим, тарихда исботланган ҳақиқат бор: кимки ўзининг бугунги ҳолатидан қониқиб ҳосил қилиб, эришган ютуқларига маҳлиё бўлиб, ёлгон мактовларга учиб яшаса, ундайларнинг келажакини тасаввур этиш қийин эмас. Бунинг сабаблари кўп.

Бугун давр буткул бошқача: сиёсатлар, миллий манфаатлар, қарашлар катта тезликда, одатий тарздаги эволюцион ҳолатда эмас, аксинча, шиддат билан,

инқилобий тусда ўзгариб бормоқда. Жаҳоний бешафқат жараёнлар, сиёсий мафкуравий курашлар, аёвсиз зиддиятлар, давлатлараро, минтақалараро, цивилизациялараро келишмовчиликлар бу ёруғ оламни жар ёқасига келтириб қўйди. Тинчлик деган муқаддас қадрият мўрт бўлиб қолди. Энг ёмони, ана шундай вазиятда энди ҳеч ким дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан четда туролмайди. Барчанинг тақдири ўзаро боглиқ. Бу — биринчидан.

Давоми 3-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ШУНЧАКИ СТАТИСТИКА ЭМАС

Аҳолини рўйхатга олиш — умумдавлат миқёсидаги кенг қўламли тадбир, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи. Бунинг натижасида аҳоли сони, яшаш шароити, маълумоти, таълим даражаси, бандлиги, ёши, жинси, миллий таркиби, ҳудудларда жойлашуви ва бошқа ижтимоий-демографик масалалар тўғрисида тўлиқ маълумотлар йиғилади.

Жорий ҳисоб-китобларга кўра, 2024 йил 1 январь ҳолатига мамлакатимиз аҳолиси сони 36 миллион 799 минг 728 кишига етди. Мамлакат тараққиёти йўлидаги ислохотлар инсон қадрини улуғлаш, аҳоли даромадларини ошириш ва уларга муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган. Лекин халқаро

тажрибадан маълумки, жорий ҳисоб-китоблар аҳолининг турмуш тарзи, иқтисодий аҳоли, бандлиги, уй-жойи, даромад манбалари ва бошқа ижтимоий йўналишлар ҳақида аниқ хулоса ҳамда таҳлил қилишга етарлича имконият бермайди.

Давоми 4-бетда

Шукуҳ

ТАЯНЧ НУҚТА

Икромхон НАЖМИДДИНОВ,
“Нуроний” жамғармаси Наманган вилояти бўлими раиси

”
Юртдошларимиз ҳамон мазкур савобли тadbир шукуҳи билан юрибди. Ҳеч шубҳасиз, у инсон қадрини улуғлашга, ёш авлодни ватанпарварлик, инсонийлик каби олижаноб руҳда тарбиялашга хизмат қилади. Чунки халқимиз азалдан муҳим масалаларни ана шундай давраларда, очик юз, самимий мулоқот билан ҳал этган.

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари қатнашган ифторлик дастурхони атрофида олдимизда турган шу каби долзарб масалалар хусусида самимий суҳбат бўлди.

Маърифий тadbирдан чиққач, ташриф доирасидаги барча учрашувларда Президентимиз кун тартибига қўйган масалалар ҳақида мулоҳаза қилдим. Ўйлаб кўрсам, уларнинг ҳаммаси битта нуқтада биришар экан. Бу ҳам бўлса, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, ўзлиги ва ватани билан фахрланадиган ёш авлодни тарбиялаш. Мазкур йўналишда бир неча йил аввал бошланган ислохотлар бугун янги босқичга кўтарилди. Бунга ўтган йил охири ва 2024 йил бошида давлатимиз раҳбари ўтказган учта йиғилишда пойдевор қўйилган эди.

Ўтказилган йиғилишлар кетма-кетлиги, уларда кўтарилган мавзулар ислохотлар пухта режа асосида бораётганини кўрсатади. Жумладан, дастлаб 2023 йил 26 сентябрь кунин Президентимиз раислигида маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш чора-tadbirlari муҳокама қилинди. Унда маҳалладаги камчиликлар таҳлил этилиб, тизимни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Бугун бу борадаги ишлар аллақачон бошланиб кетди. Жойларда “маҳалла еттилиги” халқ орасида



Нигоҳ

Бугун азим бошкентимиз кундан кун чирой очиб бормоқда. Дунё мегаполисларига тенглашаётгани ҳам бор гап. Пойтахтга икки-уч йил келмаган киши унинг шу қадар ўзгариб кетганига ишонмайди. Бир-биридан маҳобатли осмонўпар биноларни кўриб, Ўзбекистонда юрганига шубҳа қилса ҳам ажабмас.

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар аҳолининг яхши шaroитда яшаш, қулай жойларда ҳаракатланишга замин яратмоқда. Бундан бир неча йил аввал автобус бекатлари фақат марказий кўчаларда, пиедалар йўлагини ҳам катта кўчалар бўйида бўларди. Бугун эса юртимизнинг чекка-чекка маҳаллаларидаги кўчаларгача пиедалар йўлагини қуриляпти, аҳолига қулайликлар яратилляпти. Бекатлар ҳам аввалгидек тadbиркорлар томонидан ўзлаштирилиб, эшикларига қулф урилмаган. Ҳар бир бекат энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланган. Аҳолига мана шундай қулайликлар яратилаётгани таҳсинга лойиқ, бироқ одамларни ўйлаб амалга оширилаётган ишлар баъзан уларнинг зиёнига хизмат қилаётганига нима дейсиз?..

Гап шундаки, шахримиз пиедаларга мослаштирилмаган. Асосий эътибор ҳамон автомобиллар бўлиб қолмоқда. Буни эса кўчага чиқиб, бир оз сайр қилишингиз билан сезишингиз мумкин.

Пиедалар учун мўлжалланган йўлақлар баъзи жойларда аҳоли ҳаракатланиши учун қулай бўлса, айрим жойларда иккита одам ёнма-ён турса, сиқилиб қоладиган қилиб ётқизилган. Велосипедада ҳаракатланадиганларни ҳали ҳисобга қўшмадик. Улар одамлар устидан учиб ўтадими? Йўқ, албатта, улар ҳам ўзларига ажратилган йўлақларда бемалол ҳаракатлангиси келади. Ана шундай йўлақлар бугун аҳолига бир

қанча муаммолар туғдирмоқда. Велосипед ва электросамокатлар эҳтиёсизлик ва йўлакнинг ўта торлиги сабаб пиедаларни жароҳатлаш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Йўлақларнинг қутилмаганда тугаб қолиши ҳам аравачада ҳаракатланадиганларга ноқулайлик туғдирмоқда. Баъзи жойларда велосипед ва электросамокатлар ҳаракатланиши учун йўлақлар ажратилмаган. Бу эса пиедалар ва электросамокатда ҳаракатланадиганлар орасида кўнгилсиз ҳодисалар рўй беришига сабаб бўлмоқда.

— Болаларим билан кечки сайрга чиқшни одат қилганмиз. Кичкинам ҳали ўзи юролмайдми. Шунинг учун кўчага болалар аравачасида олиб чиқаман. Аммо баъзида йўлакчанинг ноқулайлиги панд беради. Тепаликка чиқши ёки пастликка тушиш керак бўлса, аравачини зинадан кўтариб тушаман. Болалар араваси учун мослаштирилмаган. Баъзида йўлакчалар тор ётқизилгани учун сиймай қоламиз. Ортимиздан велосипед ёки электросамокат келиб қолса, иложсиз уларга йўл бўшатиб берамиз. Агар сергак бўлмасак, улар болаларга шикаст етказиши мумкин, — дейди Гулшода исмли йўловчи.

— Икки йил аввал кўчамизга пиедалар йўлагини ётқизилган эди. Аммо йўлакчага икки киши зўрга сиғади, холос. Яна унинг ёнига велосипедлар ҳаракатланиши учун йўлакча ҳам ажратилган. Бошқа жойларда бўлса, йўлакчалар кенг, одамлар ҳаракатла-

қилиши учун, аввало, ўқув муассасаси жавобгарликни бўйнига оладиган бўлди. Ваҳоланки, ҳар бир ёш оилада, маҳаллада улғаяди. Демак, улар тарбиясида ота-она, кўни-қўшни, айниқса, нуронийларнинг ўрни муҳим.

Йиғилишда шу каби масалалар муҳокама қилинди. Қисқа вақтда амалий ишларга қўл урилди. Жумладан, ифторлик дастурхонида 40 дан зиёд уламо хорижда юрган ватандошларимизни дину диёнатга даъват этиб, ҳозирги таҳликали вазиятда огоҳ бўлиш, қонунларни ҳурмат қилиш каби мавзуларда суҳбатлашгани айтилди. Бундан ташқари, ота-оналар масъулиятини ҳис этгани боис, мактабларда давомат ўз ўрнига келганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз.

Жорий йил 12 январь кунин эса давлатимиз раҳбари раислигида Хавфсизлик кенгашининг Қуролли Қучлар ва ҳарбий-маъмурий секторларнинг 2023 йилдаги фаолияти якунлари ва яқин истиқболга мўлжалланган вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Унда глобаллашув жараёни ҳамда одамлар, айниқса, ёш авлод қалби ва онги учун кураш кучайиб бораётган ўта мураккаб шaroитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритилган, вазифалар берилган эди.

Давлатимиз раҳбарининг Наманганга ташрифи давомида кун тартибига қўйилган масалалар юқорида айтилган мавзуларнинг барчасини қамраб олди. Яъни “маҳалла еттилиги”, фаоллар янги тизимга муносиб хизмат қилади. Натижада аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати барқарорлашади. Маънавий-маърифий муҳитни яхшилаш, ёшлар таълим-тарбиясида хатога йўл қўймаслик учун зиёлилар, нуронийлар тарғиботчи бўлади. Маҳаллаларда улғаяётган ёшлар ватанпарвар, элсевар бўлиб камол топади. Бу вазифалар мамлакат тараққиётининг таянч нуқтаси ҳисобланади.

Юртдошларимиз ҳамон мазкур савобли тadbир шукуҳи билан юрибди. Ҳеч шубҳасиз, у инсон қадрини улуғлашга, ёш авлодни ватанпарварлик, инсонийлик каби олижаноб руҳда тарбиялашга хизмат қилади. Чунки халқимиз азалдан муҳим масалаларни ана шундай давраларда, очик юз, самимий мулоқот билан ҳал этган.

ШАҲАР ПИЁДАЛАРНИКИ БЎЛИШИ КЕРАК



нишига қулай. Яқинда неварам билан ўша йўлакчада кетаётганимизда тез келаётган электросамокат эҳтиётсизлик сабаб неварамни уриб кетди. Чеккага чиқишга улгуролмадик. Неварамнинг оёғи синиб, бир ой гипсда ётди. Мана шундай ишларни қилаётганда одамларга ноқулайлик туғдирадиган томонларини ўйлаб қўришмасмикан? Бундай тор йўлакда одамлар қандай қилиб бемалол ҳаракатлансин? — дейди Анна исмли онахон.

Ҳа, чиндан ҳам эътибор бериб қарасак, пиедалар учун ётқизилган йўлакчалар турли ўлчамда эканини кўриш мумкин. Қизиги, баъзи пиедалар йўлакчаси тугалланмай, чала қолиб кетган. Баъзиларига аравача ўтиши учун махсус жойлар ҳам қилинмаган. Марказий кўчалардаги пиедалар йўлаклари ҳам турли катталиқда. Бир одам келса, иккинчиси сиқилиб ўтади. Велосипеду электросамокатларни айтмаса ҳам бўлади. Одамлар уларни ўтказиб юбориш учун йўлак четига экилган

майсаларни пайҳон қилишга мажбур. Ёки тез ҳаракатланаётган велосипед, электросамокат келиб, одамларга урилади. Натижада кимдир тан жароҳати олади.

Шу ўринда, савол туғилади. Ўзи пиедалар йўлагининг кенлиги қанча бўлиши керак? Қандай стандартлар асосида қурилади? Шаҳарда пиедалар асосий планга чиқиши учун нима қилиш керак?

— Пиедалар йўлакчалари учун маълум бир стандарт белгиланмаган, — дейди шахарсоз Искандар Солиев. — Улар ҳудуддаги қатновга қараб ётқизилади. Яъни қаерда аҳоли кўпроқ ҳаракатланса, ўша ерда каттароқ, одамлар камроқ бўладиган жойда кичикроқ қилинади. Баъзи жойларда бино ва дарактлар борлиги ҳам пиедалар йўлакчасининг кенлигига ҳалал беради. Шу боис, ундай жойларда кичикроқ пиедалар йўлагини ташкил қилинади. Аммо бугунги кунда шаҳар инфратузилмасига муносабат жуда ёмон, одамларнинг ўзи муаммони бартараф этиш мумкинлигига ишонмайди.

Барчамиз ҳар кунини пиеда юрарканмиз, уй эшигидан чиқишда ёки кўчада турли тўсиқ-

Шу нуқтани назардан, бу, айниқса, инсон қадрини улуғлаш, фаровонлигини таъминлаш йўлида иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш, аҳоли жон бошига даромадларини 4 минг долларга етказишдек катта мақсадларни қўлаб йўлга чиққан янги Ўзбекистон учун гоёт муҳимдир.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасида эса тизимли ва комплекс чоралар қўрилатгани таҳсинга сазовор. Келинг, шу ерда фикримизни мулоҳазамиз бошланган энергетика барқарорлиги мавзусида давом эттирсак. Агар эътибор берган бўлсангиз, Президентимизнинг вилоятларга ташрифи чоғида муҳим ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар қаторида деярли ҳар сафар энергетика мавзуси муҳим жой олмоқда. Жумладан, сўнгги икки манзил — Сирдарё ва Наманган вилоятларига ташрифда ҳам бу масала кун тартибига чиқди.

Хўш, нега? Кейинги йилларда юртимизда энергетика соҳасида, хусусан, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, самарадорликни ошириш орқали энергетика барқарорлигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар бажарилди. Бунини Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарёда кейинги йилларда 1,6 гига-ваттга 9 та қуёш ва шамол электр станцияси тармоққа улангани, Андижон, Самарқанд,

Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 183 мегаваттга 6 та ГЭС ишга туширилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда, давлатимиз раҳбари Наманган вилоятига ташрифи чоғида учта янги электр станцияси қурилишини бошлаб берганини алоҳида қайд этиш лозим.

“Одамларимиз фаровон яшашига шароит яратиш янги Ўзбекистон сиёсатининг асосий пойдеворларидан биридир. Бунинг учун катта-кичик лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш, уларнинг барқарор фаолияти учун узлуқсиз энергия таъминоти ниҳоятда зарур. Шу маънода, бугунги маросим ҳам тарихий воқеа. Барчангизни шундай янги лойиҳа ва ташаббуслар билан табриқлайман”, деди Президентимиз.

Вилоятда қурилиш режаслаштирилган ГЭСлар каскади ҳамда иккита қуёш электр станциясининг қуввати 1228 мегаватт, жами қиймати 1,1 миллиард долларни ташкил этади. Бу лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигига келадиган бўлса, биргина гидроэлектростанциялар каскади ишга туширилши 310 миллион куб метр газни иқтисод қилиш, 430 минг хонадонга электр узатиш имконини беради.

Ушбу қувватлар ишга туширилиши натижада вилоятнинг генерация қуввати 2,3 баробар ортиб, 2141 мегаваттга етади. Бу эса вилоятнинг электр энергиясига бўлган йиллик 5,5 миллиард киловатт-соатлик талабини тўлиқ қоплайди. Ортган 30 фоиз



электр энергияси қўшни вилоятларга йўналтирилиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, мазкур электростанцияларда 253 киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Қисқаси, соҳадаги ислохотлар мамлакатимиз аҳолиси ва иқтисодиёт тармоқларининг электр энергиясига эҳтиёжини таъминлаш билан бирга минтақа энергетик барқарорлигига ҳам хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Наманган туманидаги “Nam Motor Servis” корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Тўрт гектардан ортқ ҳудудда жойлашган ушбу инвестицион лойиҳанинг дастлабки босқичи 2021 йилда ишга туширилган. Хитойнинг замонавий технологиялари ўрнатилган. Натижада йилга ўн минг дона электр двигателъ, икки минг дона сув насоси ишлаб чиқариш қуввати яратилди. Энг муҳими, юз киши иш билан таъминланди.

Корхона маҳсулотлари энергия тежамкорлик классининг “IE2” даражасида бўлиб, халқаро стандартларга жавоб беради. Улар мамлакатимиздаги кон-металлургия комбинатлари, сув хўжалиги ҳамда Марказий Осиё давлатларига етказиб берилмоқда.

Қувонарли томони, электр двигателлар ишлаб чиқариш 60, сув насослари 100 фоиз маҳаллийлаштирилган. Шу ерда корхонанинг истиқболдаги режалари, навбатдаги босқичлар ҳақида маълумот берилди. Лойиҳанинг иккинчи босқичи май ойида, якуний босқичи эса йил охиригача ишга тушади. Бу орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ортиб, ҳамкорлик географияси кенгайди.

Президентимизнинг вилоятга ташрифи, халқ ичига кириб, улар билан дилдан суҳбатлашгани, аҳолига яратилган шароитлар билан шахсан танишиши наманганликлар кўнглида фахр-ифтихор туйғуларини кучайтирди. Ўз навбатида, бу сайё-ҳаракатлар бизга ҳам катта сабаб бўлди. Зеро, доимо халқ дарду ташвиши билан яшаш, одамлар ҳаётини фаровонлаштиришга қаратилган амалий ишларда фаоллик кўрсатиш биз, депутатлар зиммасидаги масъулиятли вазифадир.

Мазкур ҳудуддан сайланган депутат сифатида аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини амалга ошириш, умуман, депутатлик фаолиятимизни ташкил этишда эътибор қаратишимиз зарур бўлган устувор йўналишларни белгиллаб олдик. Хусусан, ҳар ойнинг охириги ҳафтасида халқ билан мулоқот қилиш мақсадида вилоят маҳаллаларида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказамиз.

Ташриф доирасида одамлар турмуш даражасини ошириш, тadbиркорликни ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиллаб берилдики, буларнинг барчаси яқин йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириб, ҳудуднинг бекис ёмониятларини юзага чиқариш, юртдошларимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Шундай экан, биз бу борада янада фаол бўлиб, ушбу топшириқлар ижроси устидан доимий равишда депутатлик назоратини ўрнатиб борамиз.

ларга дуч келамиз. Аслида эса бундай бўлиш керак эмас. Пиедалар ҳаракати шаҳарларда тўсиқсиз бўлиши лозим.

Юқоридаги каби муаммолар бир қарашда кичик бўлиб кўриниши мумкин, лекин ёш болани аёл аравачаси билан тугалланмай қолган йўлдан қандай ҳаракатланади? Кенглиги етарли бўлмаган йўлакдан ҳаракатланаётган одамлар қандай қилиб бемалол юради? Қолаверса, у ердан велосипеду электросамокатлар ҳам ҳаракатланиши керак. Уларнинг тор йўлакдан ҳаракатланиши эса одамларга қатор муаммолар келтириб чиқаради.

Айнан пиедалар йўлакларини ётқизиш бўйича хориқ тажрибасига назар солдиган бўлсак, уларда маълум стандартлар жорий этилган. Мисол учун, Японияда пиедалар учун йўлакчалар бир хил шаклда ётқизилар экан. Йўлакчалар сифатли қопламалардан иборат бўлиб, чидамлилик даражаси юқори. Пиедалар ва велосипедлар учун йўлаклар алоҳида ранглар билан ажратилган, ҳар мавсум қайта бўяб чиқилади. Болалар аравачаси ўтадиган жойлар ҳам қулай. Қўнқар юртда пиедаларга ҳаракатланиш учун катта имкониятлар яратилган.

Бизда эса пиедалар юриши учун мўлжалланган йўлаклар ётқизилганда бир бўялади ёки ҳали бўялмай яроқсиз холга келиб қолади. Ишонмасангиз, кўчага чиқиб қаранг. Санокли пиедалар йўлакчалари ўз сифатини йўқотмаган.

Хўш, юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш, аҳолига қулайлик яратиш учун нима қилиш керак? Мутахассисларнинг фикрича, биринчи ўринда шаҳар пиедалариники бўлиши лозим. Иккинчидан, қурилиш лойиҳалари тасдиқланаётганда пиедалар учун мўлжалланган йўлаклар қулай бўлишига аҳамият қаратиш керак. Ишининг сифатига ҳам жиддий эътибор бериш зарур.


Мансурбек ЖАББОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ШҮНЧАКИ СТАТИСТИКА ЭМАС

Сўнгги юз йилда Ўзбекистонда доимий аҳоли сонининг ўзгариши (2023 йил 1 январь ҳолатига, миллион киши)



Прогнозларга кўра, республика аҳолиси йилга ўрта ҳисобда 711 минг кишига кўпаяди. Ўсиш шундай юз берган тақдирда ҳам шифокорлар ва ҳамширалар зиммасига тушадиган юклама ортиб кетмаслиги кутилмоқда. 2035 йилга бориб, шифокорлар билан таъминланиш даражаси 10 минг кишига 28,4 нафарни, ҳамширалар билан таъминланиш даражаси эса 116,8 нафарни ташкил этади.

йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, 2021 йилда Андижон вилоятининг Хўжабод, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ, Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманлари ҳамда Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида синов тарихида аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилди.

Шубу жараёнга 1885 ҳодим шартнома асосида жалб қилинди. Синов жараёнлари уч хил усулда, яъни интернет орқали респондентлар томонидан саволномаларни мустақил равишда тўлдириб, қоғоз ва планшет усулларида рўйхатга олувчи ҳодимларнинг улар билан юзма-юз сўров жараёни орқали ўтказилди. Планшет усулида аҳолини рўйхатга олиш қоғоз усулига нисбатан қулай, тезкор ва иқтисодий жиҳатдан самаралроқ экани кўринди.

Ўн икки кун давомида ўтказилган жараёнларда қоғоз усулида бир нафар рўйхатга олувчи 350 дан 400 нафаргача шахсни рўйхатга олган бўлса, планшет шаклида 500 дан 750 нафаргача тўғри келди.

Синов тарихида аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида иштирок этган учун 11 кишидан иборат халқро қузатув миссияси мамлакатимизга таширф бўлиб, тўғрота ҳудудда бу борада кўрилган тайёргарлик ва уни ўтказиш ишлари билан бевосита танилди. Миссия вакиллари бу жараёни ижобий баҳолаб, уни янада сифатли ва замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда ўтказиш юзасидан таклиф ҳамда тавсиялар берди.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда 2025-2026 йилларда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш жараёнларини интернет тармоғи орқали ҳамда планшет қурилмаларидан кенг фойдаланган ҳолда ўтказиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, 2022 йил август ойида барча маҳаллаларнинг хариталари жойидаги ҳолат-



Абдурауф ҚОРЖОВОВ, шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

Шу каби жиҳатлар назарда тутилган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 4 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Расмий статистика соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича “йўл харитаси”да мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олишни 2025-2026 йилларда амалга оширилиши белгиланди.

— Қарорга мувофиқ, аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва натижаларини эълон қилиш кўйидаги тартибда ташкил этилади, — дейди Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи Қобил Бердиқулов. — **Биринчидан, 2024-2025 йилларда** аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга тайёргарлик кўрилади. Бунда унинг мазмун-моҳиятини оммага тушултириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун видеоролик, баннер, флаер ва буклетлар тайёрланади.

2021 йилда синов тарихида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижалари ва

Рўйхатга олиш натижалари нафақат биз, балки келажак авлод учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугун биз қандай яшаганимиз ва қандай имкониятларга эга бўлганимиз тарихга муҳрланиб, авлодларга ижтимоий мерос бўлиб қолади.

маблағлари кўзда тутилган. **Учинчидан, 2026-2027 йилларда** аҳолини рўйхатга олиш натижалари тайёрланади ва расман эълон қилинади.

Кунига ўртача 2,1 минг кишига кўпаяётган халқмиз

Маълумотларга қараганда, аҳолини ҳисобга олиш ишлари эраимиздан олдинги 3 минг йилда йилларда Осиё ва Африкада, Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой, Японияда ўтказилган. Қадимги Греция ва Римда ҳам шундай тадбирлар ўтказилгани ҳақида битиклар бор. Бунда асосий мақсад солиқ йиғиш, бож олиш ҳамда ҳарбий сафарбарлик учун одамлар сонини аниқлашга қаратилган. Шунинг учун рўйхатга олишда эркаклар кўпроқ эътибор марказида бўлган.



Аҳолини расмий рўйхатга олишнинг ҳозирги шаклида даставвал 1790 йилда АҚШда, орадан ўттиз йил ўтди, Италия, Испания, Англия, Ирландия, Австрия, Франция, 1851 йилга келиб эса Хитойда амалга оширилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин тизим янада такомиллаштирилди, 1945-1954 йилларда 151 та, 1965-1974 йилларда 179 та мамлакатда йўлга қўйилган бўлса, ҳозир дунёнинг деярли барча давлатида аҳоли рўйхатдан ўтказиб келинади. Бу масалалар билан бевосита БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси шугулланади.

БМТ томонидан аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш бўйича ҳар ўн йилликка раунд эълон қилинади ва унда аъзо давлатларга ўз ҳудудларида ҳар ўн йилда камида бир марта мазкур тадбирни ўтказиш тавсия этилади. Хусусан, 2015 йилнинг 10 июнь санасидаги резолюцияда ҳам аъзо давлатларга шундай тадбирни йўлга қўйиш таклиф қилинган.

Халқро амалиётга доир бу тадбир юрти-мизда илк бор 1897 йилда ўтказилган. Шундан сўнг 1926, 1939, 1959, 1970, 1980, 1989 йилларда ўтказилиб, энг охирида республика-мизда 19,7 миллион аҳоли яшаётгани қайд этилган.

Бу тадбир қандай мақсадларга хизмат қилади?

Энг аввало, юқорида қайд этилганидек, рўйхатга олиш мамлакат аҳолисининг аниқ сонини, таркиби ва яшаш шароити ҳақидаги маълумотларни билиш имконини беради. Асосийси, бу натижаларни умумлашган, яъни шахсизлантирилган кўринишда турли жадалларда акс эттириш ва улардан нафақат бутун мамлакат, балки аҳолининг турли тоифалари ҳамда ҳудудлар бўйича ҳам таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.

Бунда аҳоли сони, оилавий аҳоли, маълум-

моти, касби, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, бандлиги ва ишсизлиги, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳалар бўйича батафсил маълумот тўпланади. Ушбу маълумотлар аҳолининг истиқболдаги ҳисоб-китоблари ва яқин йилларда мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг устувор йўналишларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти томонидан соғлиқни сақлаш ҳамда мактаб таълими соҳасидаги ўтган йилги ҳолат ва истиқбол имкониятлари ҳақида ўтказилган таҳлилларга кўра, 2022 йил бошида республикада 1281 та шифохона мавжуд бўлиб, ҳар 10 минг кишига 46,9 та шифохона ўрни тўғри келган. Шунингдек, бир сменада 683 минг кишини қабул қиладиган 6676 та амбулатория-поликлиника фаолият кўрсатган. Ушбу муассасаларда 95,6 минг тиббиёт ходими ишлаган, яъни ҳар 10 минг кишига 27,1 нафар тиббиёт ходими ёки бир шифокорга 369 бемор тўғри келган.

2035 йилга бориб, фуқаролар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида амбулатория-поликлиникалар сонини 8450 тага етказиш зарур (битта амбулатория-поликлиника 18 минг 500 кишига мўлжалланган).

Прогнозларга кўра, республика аҳолиси йилга ўрта ҳисобда 711 минг кишига кўпаяди. Ўсиш шундай юз берган тақдирда ҳам шифокорлар ва ҳамширалар зиммасига тушадиган юклама ортиб кетмаслиги кутилмоқда. 2035 йилга бориб, шифокорлар билан таъминланиш даражаси 10 минг кишига 28,4 нафарни, ҳамширалар билан таъминланиш даражаси эса 116,8 нафарни ташкил этади.

2023 йил бошида 3-6 ёш оралиғида бўлган болалар сони 2 миллион 925,2 минг нафар бўлса, 2035 йилга бориб, 3 миллион 738,3 мингга етиши кутилмоқда. Ўтган йил бошида республикада 29 минг 420 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритган, улардаги тарбияланувчилар сони 2,1 миллион нафарни ташкил этган (қамраб олиш даражаси 71,8 фоиз).

3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш бўйича мавжуд кўрсаткичларни сақлаб қолиш, шунингдек, кела-



БМТ томонидан аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш бўйича ҳар ўн йилликка раунд эълон қилинади ва унда аъзо давлатларга ўз ҳудудларида ҳар ўн йилда камида бир марта мазкур тадбирни ўтказиш тавсия этилади. Хусусан, 2015 йилнинг 10 июнь санасидаги резолюцияда ҳам аъзо давлатларга шундай тадбирни йўлга қўйиш таклиф қилинган.

жақда дунёнинг ривожланган мамлакатлари (90 фоизга яқин) даражасига эришиш учун республиканинг барча ҳудудларида 1 миллион 264 минг болага мўлжалланган янги ўринлар барпо этиш зарур. Барчани қамраб олиш учун бюджетдан қўшимча 37 триллион сўм ажратиш тақозо этилади.

2022/2023 ўқув йилида жами ўқувчилар сони 6 миллион 461,7 минг; ўқитувчилар сони эса 540,7 минг нафарни (ўриндошлардан ташқари) ташкил этди, яъни ҳар бир ўқитувчи 11,9 нафар ўқувчи тўғри келди.

Мазкур ўқув йилида умумтаълим мактабларини жами 430 минг ўқувчи тамомлади. Айни чоғда 701,9 минг бола 1-синфга қадам қўйди. 2035 йилга бориб, 7-17 ёш оралиғидаги болалар сони 9 миллион 737,4 мингга етиши кутилмоқда. Бу эса 2035/2036 ўқув йилига қадар қўшимча 3 миллион 925,2 минг ўқувчи ўрни яратилишини талаб этади.

Ҳар йили олий таълим муассасалари меҳнат бозорига ўртача 30 минг нафар олий маълумотли ўқитувчи чиқаради. 2035 йилга бориб, олий таълим муассасаларига қабул даражасини 55 фоизга етказиш ва хотин-қизлар учун ажратиладиган квоталарни ошириш натижасида олий таълим муассасалари ҳар йили ўртача 40 минг педагог кадрни тайёрлаш имкониятига эга бўлади, ўқитувчилик сони 970 мингга ташкил этади. Натижада ҳар бир ўқитувчига 10 ўқувчи тўғри келади.

Ушбу ҳисоб-китобларга асосланиб айтиш мумкинки, яқин келажакда ўқитувчиларга талаб юқори бўлади. Шунга қарамай, уларнинг етимишмаслиги кузатилмади, айрим катта шаҳарлар бундан мустасно саналади.

— Аҳолини рўйхатга олиш жараёнида йиғилдиган маълумотлар, ўз навбатида, республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш, соғ-

Тайёргарлик кўриш ишлари ва синов натижалари

Республика-мизда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ишлари бундан беш йил олдин бошланган. Президентимизнинг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилиниб, бу жараёни 2022 йилда ўтказиш белгиланган эди. 2020 йилда бошланган коронавирус пандемияси сабабли тадбирни ўтказиш 2023 йилга кўчирилди. Кейинчалик бу муддат ҳам айрим сабабларга кўра ортага сурилди.

Лекин аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик тўхтаб қолгани йўқ, аксинча, белгиланган тартибда давом эттириб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида аҳолини рўйхатга олишнинг махсус веб-сайти (ahol.stat.uz) амалиётга жорий қилинди. Ўтказилган очик танлов асосида аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг логотипи ва шиори (“Янги Ўзбекистоннинг бир қисми бўл!”) тайёрланди.

БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда бу соҳадаги илгор давлатларнинг тажрибалари асосида аҳолини рўйхатга олишнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий асослари ишлаб чиқилди. Жумладан, “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, 2020 йил 16 март кунин қабул қилинди.

Аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва натижаларини шакллантириш имконини берувчи “Аҳолини рўйхатга олиш” ахборот тизими амалиётга жорий қилинди. Энди у янада такомиллаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023

га мослиги ўрганилиб, аҳоли яшаётган турар ҳамда нотурар жой рўйхати тузиб чиқилди. Мазкур тадбирга республика бўйича жами 6148 шахс уй-жойлар рўйхатини тузувчи ҳодим (регистратор) сифатида шартнома асосида ишга жалб этилди.

Ўрганишлар натижасида ҳудудларда жами 1,1 миллионга яқин хонадон рақамланмагани, 3 мингдан ортиқ хонадон рақамли маҳалла хариталаридаги мос келмагани, 181 мингдан ортиқ янги қурилган бино ва уй маҳалла хариталарига киритилмагани, бузилган 30 мингга яқин бино ва хонадон қуриладиган чиқарилмагани ва 24 мингдан зиёд қўча номи ўзгарган бўлса-да, харитада ўзгартirilмагани аниқланди.

Мазкур камчиликлар умумлаштирилиб, кадастр органларига тақдим этилди ва улар томонидан ҳудудий статистика органлари билан биргаликда камчиликлар бартараф этилиб, 9 мингдан ортиқ маҳалла хариталари тўлиқ янгиланди.

Олдинда қилинадиган ишлар ҳали кўп. Негаки, аҳолини рўйхатга олиш орқали юрти-мизининг ҳар бир манзили, энг чекка ва олис маҳаллау кўчаларига доир барча маълумотларни ўзида муҳасам этган ягона ахборот базаси яратилади.

Бу қимматли маълумотлардан кейинги ўн йилликка мўлжалланган, оила-ларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий дастурларни шакллантириш, шифохоналар, болалар боғчалари, мактаблар ва уй-жой қурилишини, энергетика, транспорт инфратизимаси, тадбиркорлик субъектлари, хизмат кўрсатиш объектларини режалаштириш каби йўналишларда кенг фойдаланилади.

Рўйхатга олиш натижалари нафақат биз, балки келажак авлод учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугун биз қандай яшаганимиз ва қандай имкониятларга эга бўлганимиз тарихга муҳрланиб, авлодларга ижтимоий мерос бўлиб қолади.

Таълим

МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИГАН КЕЛАЖАК

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Олтинсой туманида истикомат қилувчи Азамат Алмардонов ҳар куни эрта тонгдан мактабга — сеvimли ишига шошади. Мактабга кираверишдаги ёзувларни ҳар доим баъзан пичирлаб, баъзан баланд овозда ўқийди: “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади”.



“Иккита тил ва битта касб” тамойили асосида ушбу мактабда иккинчи хорижий тил ва битта касб-хунарга ўргатиш амалиёти йўлга қўйилган. Азамат Алмардонов 7-синф ўқувчиларига иккинчи чет тили сифатида немис тилидан дарс беради. Илгари бу ерда фақат битта хорижий тил ўқитилиши сабабли мутахассислиги бўйича дарс соатлари йўқ эди. Узоқ масофага қатнаб, бошқа мактабларда ишларди. Энди эса ўзининг маҳалласида ишлаш имконияти яратилди.

Худди шундай, юртимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнат шаронтини яхшилаш, таълим сифатини ошириш чоралари барча жойда, хусусан, энг чекка туманлардан бўлиши Олтинсойда ҳам қўйилди.

Олтинсой туманидаги 65-умумтаълим мактабида 10-синф ўқувчиларига тикувчилик касбини ўргатиш амалиёти йўлга қўйилган. Дарҳақиқат, инсоннинг касб-кори, ҳунари бўлса, уйда ўтириб ҳам ўзини банд қилиши, рўзгорига наф келтириши мумкин. Бу билан жамиятда ўз ўрнини топиш имкониятига эга бўлади. Шу жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда таълим масканида қиз болаларга тикувчилик сир-синоатлари пухта ўргатилмоқда.

— Ҳунари бор ҳор бўлмайди, — дейди ушбу мактаб ўқитувчиси Моҳира Саидова. — Табиийки, мактабни битираётган



ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам олий таълимда ўқишни давом эттира олмайдди, рўзгор ташвишлари учун бирор касб ё ҳунаarning бошини туттишга интилади. Бу эса маълум бир вақт талаб этиши табиий. Ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиб, ўқувчиларнинг мактаб давридаёқ аниқ бир ҳунарни пухта ўзлаштириши учун шароит яратилди. Бу, айниқса, қизлар учун жуда қулай бўлди.

Олтинсой туманида мавжуд 69 та умумтаълим мактабида жойлашув ва ички имкониятлардан келиб чиқиб, 64 хил ишчи касб бўйича махсус ўқув хоналари ташкил этилиб, курслар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, профессионал таълим муассасалари ва мономарказлар билан ҳамкорликда 10 турдаги касбини тўғарак машғулоти шаклида ўргатиш ҳам йўлга қўйилган.

Юртимизда кейинги йилларда умумтаълим мактабларида ўқувчиларга иккита хорижий тил ва касб ўргатиш тизими кенг жорий этилмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларида ҳам ўқувчиларга 2 та хорижий тил ва 1 та касб ўргатиладиган 14 та мактаб танланиб, белгиланган талаб асосида замонавий жиҳозланган. Бу йил эса вилоятда

ги яна 33 та умумтаълим мактабида шундай тизим жорий этилиши белгиланган.

— Сурхондарёда ҳозирги пайтда мактабгача ва мактаб таълими тизимида 960 та мактаб, 17 та ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернати, 16 та “Баркамол авлод” маркази, 456 та давлат мактабгача таълим ташкилоти мавжуд. Шу кунларда Термиз шаҳри ва туманлардан мактаблар танлаб олиниб, ўқувчиларга хорижий тиллар ва касб-хунар ўргатилмоқда. Мазкур танланган мактабларда касб-хунар устахоналари ташкил этилиди ва жиҳозлар, зарур ашёлар билан таъминланди, — дейди Сурхондарё вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бекзод Тошмўлатов.

Мактаб ўқувчиларини камиди иккита хорижий тил ва битта касб-хунарга ўргатиш йўлга қўйилиши ҳамда 11-синфнинг “Ҳаёт мактаби” этиб белгиланиши келажақ авлод эгалларининг камолтопида, касб ва тил ўрганиб, ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим ўрин тутadi.

— Бугун таълим тизимига ҳар қачонгидан-да катта эътибор қаратилмоқда. Аввал мактабни битирган ўқувчи ўрта-махсус ёки олий маълумот олиш учун ўқишни давом эттиришга мажбур бўлган бўлса, айна пайтда олий таълимни давом эттиришдан қатъи назар, дарс билан бирга чет тиллари ҳамда

ўқувчининг қизиқишига қараб, бирор касб-хунар ўргатилиши йўлга қўйилмоқда, — дейди Сурхондарё вилоят педагогика маркази мутахассиси Роҳила Маматқолова. — “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 100 та устувор мақсади қаторидан жой олган учинчи мақсад умумий ўрта таълим тизимини янги bosқичга олиб чиқиш ҳисобланади. Шунга кўра, таълим ташкилотларига ҳар йили 500 нафар “тил эгалари” бўлган хорижий мутахассисларни жалб этиш ҳамда барча умумий ўрта таълим муассасаларида касб-хунарларга ўргатиш курсларини жорий этиш белгиланган. Бу эса ўқувчиларнинг келажақда ўз ишини бошлаши, ҳаётга мустақил қадам ташлашида муҳим аҳамият касб этади.

Мактаб — инсон ҳаётда ўзига хос ўрин эгалловчи, унинг камол топишида пойдевор бўлиб хизмат қилувчи зиё маскани. Билимлар пойдеворини эса айна шу даврда мустаҳкам қуриш лозим. Мамлакатдаги ҳар бир болага сифатли таълим-тарбия бериш, қўллаб-қувватлаш, иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқаришга етарли шароит яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши экани йўлга қўйилаётган ҳалқлик тамойилилар воситасида яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

Мулоҳаза

БУ АРЗИМАЙДИГАН НАРСА ЭМАС

Фарзандини ёмон кўзлардан асраб, соғлом, билимдон ва хунарли қилиб тарбиялаш барча замонларда ҳар бир оила, ҳар бир ота-онанинг бурчи, асосий вазифаси бўлиб келган. Ҳозирги таҳликали замонда бу масала долзарблиги кун сайин эмас, соат сайин ортиб борапти. Зеро, қўллаб қаразли мақсадли ижтимоий тармоқлар ёшларга таъсирини ўтказишга уринмоқда. Энг ачинарлиси, улар мақсадларига эришяпти ҳам.

МУАММОНИНГ ИЛДИЗИНИ ЎЗИМИЗДАН ҚИДИРАЙЛИК

Мактабга ўқувчи дафтар-китобсиз келиши мумкин, лекин қўлида, албатта, телефон бўлади. Шунинг ўзиданоқ айрим ўқувчилар учун мактабга келиш, таълим олиш шунчаки хўжақўрсинга эканини билиш қийин эмас.

Хўш, бундан оилада ота-она, мактабда раҳбарият, ўқитувчилар беҳабарми? Йўқ, албатта! Бунни кўриб-билиб турган ота-она фарзандининг ўқишга бораётганидан, мактаб жамоаси эса ўқувчининг дарста келаётганидан хурсанд.

Бунни арзимайдиган ҳолат деб бўлмайди. Айни дамда таълимни бугунги талаблар даражасида ташкил этиш асосий масала экан, энг аввало, тартиб-интизомни йўлга қўйиш шарт. У таълимдаги барча муваффақиятларимизнинг гаровигина эмас, илҳомчиси ҳам. Тартиб-интизом бўлмас экан, инсон маънавият ва маърифатдан йироқлашиб бораверади. Маънавиятсиз инсон эса...

Бугун ўқувчининг дарста дафтар-китоб, қалам-ручка ва бошқа ўқув куроллари билан келишини, шу билан бирга, қўл телефонини махсус шкафга қўйишини, иложи бўлса, мактабга телефонсиз боришини шарт қилиб қўйиш вақти етди. Бусиз ўқувчиларимизни тартиб-интизомли, масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мактабни ўз уйидек, ўқитувчиларни ота-онасидек кўриб, иззат-ҳурматини ўрнига қўйдиган, қадрлайдиган қилиб тарбиялашимиз осон кечмайди. Ота-она бу муаммо мактабнинг иши, мактаб эса бу ота-онанинг вазифаси, дейиши, маҳалла қўл қовуштириб туриши билан иш битмайди.

Давлатимиз раҳбари таълим-тарбия ишида оила, мактаб ва маҳалла елкама-елка туриб ишлаши лозимлигини қатъий қилиб қўйгани бежиз эмас. Чунки бу учлик ўз фаоллари билан ҳар қандай масалани, ҳар қандай муаммони ечишга қодир. Лекин бу қатор омиллар билан бeғлиқлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Аввало, оила ҳам, мактаб ҳам, маҳалла ҳам шу пайтгача давом этиб келган лоқайдликдан қутулиши лозим. Ҳозир дарс пайтида тартибузаррлик қилгани ёки берилган саволга жавоб беролмагани учун ўқитувчи ўқувчига дашном бергудай бўлса, балога қолади. Ўқувчининг ота-онаси ваҳоҳат билан келиб, ўқитувчининг ёқасига ёпишади. Бунни интернет тармоқларида кўп бор кузатяпмиз. Ҳатто ўқитувчини судга бериш ҳоллари ҳам учраяпти. Шу боис, ўқитувчи “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман” йўлига ўтишга мажбур бўлди. Оқибатда ўқувчи назоратсиз қолди. Хоҳласа мактабга боради, хоҳламаса йўқ, хоҳласа дарс тайёрлайди, хоҳламаса китобни очиб кўрмайди ҳам.

Назаримда, энди бундай ҳолатга узил-кесил нуқта қўйиш учун ота-болаларимизнинг “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она” деган пурҳикмат мақолига амал қилиб, бир ёқадан бош чиқариш вақти келди. Ўқиш давомида ўқитувчи ўқувчининг ота-онаси ҳисобланади. У ўз ўқувчисини тартибга ча-

қаришга, танбeҳ беришга ҳақли. Бунни ота-она тўғри тушуниши ва қўллаб-қувватлаши керак.

Мактаб қўлда эмас, маҳалла ҳудудида жойлашган. Маҳаллада эса еттилик иш-лаяпти. У ҳуқуқ ва имкониятга эга бўлган жуда катта куч. Энди улар ҳам бировнинг мурожаат билан келишини кутиб ўтирмай, кабинетдан чиқиб ишлаши лозим. Чунки ҳанузгача тўрт-беш ўқувчининг дарста кирмай, кўздан холироқ жойда папирос тутатганча валақлашиб ўтирганини кўриб турибмиз. Эҳтимол, бундан мактаб ҳам, ота-оналар ҳам беҳабардир. Лекин маҳалла хабардор. Назаримда, Миллий гвардиянинг мактабдаги давоматни назоратга олгани кўпчиликнинг кўнглидаги иш бўлди. Қисқа муддатда мактабларда давоматнинг 98 фоизга кўтарилгани жуда қувончли ҳол. Ишончим комилки, ота-она, мактаб, маҳалла, Миллий гвардия биргаликда ишлашни йўлга қўйса, таълим ва тарбияда, албатта, ижобий ўзгариш бўлади.

“Ўқитувчи “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман” йўлига ўтишга мажбур бўлди. Оқибатда ўқувчи назоратсиз қолди. Хоҳласа мактабга боради, хоҳламаса йўқ, хоҳласа дарс тайёрлайди, хоҳламаса китобни очиб кўрмайди ҳам.

ОСМОНДАГИ БОЛАЛАР

Ўтган йили уйимиз рўпарасидаги институт дарвозаси олдида беш-олти талаба танаффусда папирос тутатадиган бўлди. Кейин ун беш-йигирма нафарга етди. Улар институт маъмуриятидан даққи эшитди, шекилли, чеккароққа ўтиб чекадиган бўлди. Кейин-кейин яна аввалги жойларига қайтди. Ҳозир улар сони эллик-олтмишга яқинлашиб қолди. Эртага юз-икки юзга етмаслигига ким кафолат беради? Улар



каби дарста кирмай, пана-пана жойда тўрт-бешта бўлиб чекиш билан шуғулланаётган ўқувчилар бугун бу зарарли йўлдан қайтарилмас экан, эртага кеч бўлади. Бугун бемалол чекаётган бола эртага бемалол спиртли ичимлик ичади. Чунки назоратсизлик, хоҳлайсизми-йўқми, салбий ҳолатларга, жиноятга олиб беради. Бу кўп бора исботланган.

Ривожланган давлатларнинг айримларидаги вазирилик ва идораларнинг раҳбарлари ишга жамоат транспортда бориб-келишини эшитганимиз, ижтимоий тармоқларда кўрганмиз. Бизда эса бошқачароқ. Пойтахтдаги айрим мактаблар дарвозаси олди эрталаб фалон маркали хизмат машиналари билан тирбанд бўлади. Уларнинг орқа ўриндигидан бирин-кетин тушган йигит-қизлар “Қанақа машинада юришимни кўриб қўйинглар”, дегандай гўдайганча атрофга нигоҳ ташлаб, ичкарига йўл олади. Дарсдан сўнг уларни яна ўша хизмат машиналари олиб кетади.



Бунинг нимаси ёмон, дейсизми? Ёмонлиги шундаки, ўзларини осмонда кўрадиган бундай ўқувчиларнинг кўпчилиги унча-мунча одамини меҳсимайди. Ўқувчилар у ёқда турсин, ўқитувчиларга ҳам панжа орасидан қарайди. Улар ўзларига ўхшаган кийимни қимматбаҳо бўлган, киссасида пули бор “ман-ман”чилар билан бирга ўтириб, бирга туради. Баъзи бир ўқитувчиларимиз эса “оч қорним, тинч қўлогим”ни маъқул қўриб, ўқиши ҳаминқадар бўлган ана шундай ўқувчиларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатларидан кўз юмишни афзал кўради. Керак бўлса, сўраган баҳосини ҳам қўйиб беради.

Хўш, энди айтинг-чи, ўзини ўзгалардан юқори қўядиган бундай бойвачча эркактойлар бунақа илтифотдан кейин интизомли бўлиб, яхши ўқишга интиладими? Йўқ, албатта. Демокриманки, бунни, аввало, ўша ота-оналар тушуниб етиши, олдини олиш чораларини кўриши керак. Бу ишга ота-она бош қўшмаса, мактаб уларни эплаши қийин кечади.

ЭРТАКНИНГ ЭРТАСИ БОР

Биз бобо ва бувимиз, ота ва онамиздан халқ эртакларини тинглаб улгайган авлодмиз. Ўлустлик, меҳр-оқибат, қадр-қиммат, ҳалоллик, адолат, элпарварлигу юртпарварлик, меҳнатсеварлигу бунёдкорлик, аҳилигу бирдамлик, матонату жасорат туйғулариға йўғрилган эртакларни жону дилимиз билан эшитар, уларнинг тугаб қолмаслигини жуда-жуда хоҳлар эдик.

Эртак ниҳоясига етгач, бобомиз ё бувимизга ялиниб-ёлвориб, иккинчисини,

кейин учинчисини айтиб беришини сўрардик. Оиламиз катталари эртаники биз — болаларни хурсанд қилиш учунгина эмас, балки ўша эртак ичига олиб кириб, воқеаларни диққат билан кузатиб, яхши билан ёмонни, оқ билан қорани ажратишимизни, ижобий ҳаҳрамонларга ҳавас қилишимизни, улардек бўлиш учун яхши ўқишимиз кераклигини қайта-қайта такрорлар эди.

Мактабга қатнай бошлаганимиздан сўнг эртак китоблар доимий ҳамроҳимиз бўлган. Ёдимда, бобом ёки бувим, отам ёки онам ҳар оқшом ёнига ўтқизиб, эртак ўқиб беришимни сўрар эди. Мен эртаники овоз чиқариб ўқур, тингловчим хатоларимни тузатиб бораар, кейин мазмунини гапириб бераддим. Шундан сўнг эртак қаҳрамонларининг яхши-ёмон хислат ва фазилатлари ҳақида савол-жавоб бошланарди.

Бора-бора савол-жавобимиз баҳсга айланди. Бу мени баҳсда довдираб қолмаслик учун ўқиганимни такрор ўқишга, қаҳрамонлар ниятини англаб олишга, уларнинг хатти-ҳаракатиға муносабатимни билдиришга ўргатди. Шу тарика китоб ўқишга қизиқишим кундан кун ортиб, бадий адабиётта, журналистикаға кириб келдим.

Орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Энди ўзим бобо бўлиб, набираларимға эртак сўзлайман. Бу эртакларнинг кўпчилиги болалигимда бобом, бувим, ота-онамдан эшитганларим. Ҳар гал улардан бирини айтишга оғиз очганимда эртакчи жигарларим кўз олдимда намён бўлиб, қўлоқларим остида овозлари эшитилаётгандай туюлади. Кўнунг бўлашиб, кўзларимға ёш қалқиб келади.

— Бобожон, эртак айтиб беринг, — дейди кўзларимға мўлтиллаб қараб турган набирам. — Мен уни эртаға боғча опамға айтиб бераман.

Мен чуқур хўрсинганча эртак айта бошлайман...

Яқинда сартарошхонаға кирдим. Уч-тўрт ёшли болақай отасининг қўл телефонини сўраб, ер тепиниб йнгалар, соч олдираётган ўттиз ёшлар атрофидаги йигит ўғлини яхши гап билан овунтирломай, жеркиб ташлади. Болақай эса янаям авжига чиқди. Тоқати тоқ бўлган ота илғақда осигилиқ турган костюмининг ён чўнтағидан қўл телефонини олиб, ўлғига узатди. Йнигидан таққа тўхтаган болақай енгги билан кўз ёшини артганча у ёқ-бу ёққа аланглаб, ёнимдаги бўш стулга ўтириб, хурсанд бўлганча нималариндир кўра бошлади. Мен эртак эшитиш ўрниға жангари кинолар ичида улғаяётган болақайға, ундан ҳам кўпроқ унинг отаси билан онасига ачиндим.

Афсуски, ҳозирги ота-оналарнинг кўпчилиги боғча ва мактабга борадиган боласини эртак эшитишга, эртак ўқишға қизиқтириш ўрниға онгини урт-йиқиту ўлди-ўлди кинолар билан заҳарламоқда. Чақалоқларни қўл телефонидаги ваҳимали қўшқилар билан аллаламоқда. Бу кетишда бора-бора эртак нималигию алла нималигини бутунлай унутиб қўймаймизми?!

Энди ўйлаб кўринг, боласини овутуш учун қўлиға телефон бериб қўяётган, бўш вақти бўлди дегунча боласининг олдида телефон титиш билан банд бўлаётган, хизмат машинасини ўғил-қизига бериб қўйиб талтайтираётган, шу билан уни худбинликка ўргатаётган ота-оналар, катталар фарзандиға намуна бўла оладими?

Шундай оилада катта бўлган, умрида эртак эшитмаган бола китоб ўқийдими, мактабға борадими, ўқитувчисини, устозини ҳурмат қиладими? Мактабдаги муаммолар илдизини шундан, яъни ота-оналардан, катталардан қидиришимиз керак, назаримда. Зеро, оилада ота-она барча замонларда фарзанд учун намуна бўлиб келган, болалар уларға қараб, уйда, кўчада, жамоат жойларида ўзини тутиши, катталарға муомалани ўрганган...

Нуриддин ОЧИЛОВ,
журналист



Миллий ғурур

Дунё дунё бўлибдики, не-не замонлар, не-не хоқонлар жами муқаддас тушунчалар, туйғулар ичида Ватан дея аталмиш манзилдан буюкроғи-суюкроғини топмадилар. Ватан томирларимда оқаётган қончалик қайноқ, кўксимда уриб турган юракчалик азиз. Қардош озар шоири Акиф Бағирнинг “Ўзбек келаётир” шеъри жаранг сочганида, қалблар янада фарахга тўлади:

Чиқариб нурафшон йўлга карвонин,
Бошига қўтариб тенгсиз сарбонин,
Қуч олиб истиқлол зафарларидан,
Яна юлдузларга тақаб нарвонин,
Ўзбек келаётир тарих қағридан!

Йўл бўшат, дилларда музлаган армон!
Йўл бўшат, менсимай хор қилган нодон!
Яна минг йилликнинг тонготаридан,
Йўл бўшат, замона! Йўл бўшат, жаҳон! —
Ўзбек келаётир тарих қағридан!

Зилола ХЎЖАНИЕЗОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, шоира



Шу ўринда, катта устозларимиздан эшитганим бир воқеа ёдимга тушади. Мустақилликнинг илк йилларида давлат арбоби, профессор олим Эркин Юсупов Ўзбекистон БМТнинг таълим, маданият ва фан масалалари билан шугулланувчи ташкилоти бўлган ЮНЕСКОга аъзо бўлгандан сўнг делегация таркибига илк бор ташкилот қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрига боради. Халқаро тадбир бошланиш арафасида ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор йиғилганларга мурожаат этади: “Хонимлар ва жаноблар! Мен сизлардан уэр сўраган ҳолда, бугун дипломатик қонун-қоидаларни бир оз бузмоқчиман. Бугунги йиғилишмизда ташкилотимизнинг янги аъзоси бўлган мамлакат вакиллари иштирок этмоқда. Мен уларни саккизинчи қатордан биринчи қаторга ўтиб ўтиришларини сўрайман”. Шунда масъуллар келиб, Ўзбекистон вакиллари биринчи қаторга ўтказди. Ҳамма ҳайрон. Аслида, бу ҳолат халқаро дипломатик этикет қоидаларига зид ҳисобланарди. Шунда Майор яна сўзида давом этади: “Хонимлар ва жаноблар, мен шу ишни қилмай, йиғилишни бошлаш олмас эдим. Чунки бу янги вакилларимиз Ўзбекистондан келган. Нима учун уларни биринчи қаторга ўтказганимни сўрасангиз, айтаман. Чунки бу юрт дунё тамаддунига, илм-фан тараққиёти, маънавият қамолотига беҳисоб ҳисса қўшган буюк тарихий шахслар ватанидир. Биз биламизки, дунё тамаддунига энг кўп ҳисса қўшган олим Фозиллар сараланиб, энг буюк хизмат қилган 200 нафари тан олинди. Уларни ҳам саралаб, муносиблар ичра муносиб саккизда буюк даҳо тан олинган. Мана шу саккиз даҳонинг олтичаси Ўзбекистон ҳудудида туғилиб, яшаб, илм-фан ривожига буюк ҳиссаларини қўшган. Бу вакилларимиз эса ана шу даҳо аждодларнинг авлодларидир!”. Шунда бутун зал оёққа туриб, юртимиз вакиллари бирдавом олқишлайди.

“Шу дамда кўзларимдан тинимсиз ёш оқарди, — дея хотирлайди Эркин Юсупов. — Баъзилар бизни кичик миллат атаб, тан олмай турган ўша даврда бу тарихий ҳақиқатни билдирганлар, тан оладиганлар. Ўзтироф ва эҳтиром этгувчилар борлигидан фахр ва ғурур ҳис этаётгандим”.

— Ерда ётган нима, болам?
— Қоғоз-ку, ойижон, — деди кўзлари мўл-тираб.



Мен унга байроғимиз давлат рамзимиз, ғуруримиз-фахримиз, уни ерга ташлаш нонни увол қилиш каби ёмон иш эканини тушунтирдим. Сўнгра биргалашиб байроқчамизни хонасининг баланд жойига илиб қўйдик.

Ойлар ўтди. Баҳор кунларининг бирида боғчадан қайтарканмиз, ортимда ўйнаб келаётган болам “Ойижон, қаранг, ёмон болалар байроғимизни ерга ташлабди”, деб қолди. Қарасам, боламнинг қўлида байроғимиз рангидеги бир бўлак тасма турар, ўғлим эса унинг чангларини меҳр билан пуфлаб қоқарди.

Шунда англадимки, биз Ватан, она юртва муҳаббат, миллий ғурур каби муқаддас тушунчаларни фарзандларимизнинг тоза руҳига, бегубор тасаввурига илк болалик даврлариданоқ сингдирмоғимиз лозим. Зеро, боғча, мактабларда берилётган илм ва тарбия бир томону оилада дастурхон атрофида момоларимиз-боболаримиз, ота-оналардан эшитадиган сабоқлари, насиҳатлари бир томон бўлиб, гўдак қалбларга мангуга мухрланади.

Юртимизга Латвиядан хизмат сафари билан келган ҳамкасбларимизга ҳамроҳ бўлиб Тош-

Маънавият кўзгуси бўлган она тилига муносабат шахснинг маънавиятга муносабатини ҳам белгилайди. Камол топаётган ёш авлодга она тилига эътибор ва эҳтиром, унга давлат тили сифатида қарашнинг масъулияти каби туйғуларни сингдириш ва мустаҳкамлаб бориш долзарб масаладир.

кент вилоятининг кенг пахтазорларидан ўтиб борарканмиз, меҳмонларимиздан бири — Каспарс далани кўрсатиб, “Бу пахта эмасми?” деб сўради. Унинг сўзларини тасдиқладик. У эса “Мен пахтани фақат телевизорда кўрганман”, деди ҳайрат билан пахтазорга боқиб. Меҳмонларимизга ростакан пахтани кўрсатиш учун ҳайдовчимизга йўл четиди тўхтагани сўрадик. Йўл-йўлакай ҳамкасбларимиздан бири пахта ҳақида билганларини, ёшлгидан пахта тергани, бу ерлар фермерларга тегишлилигини тушунтира кетди.

Латиш дўстларимиз пахтазорга ўзгача ҳаяжон билан кириб бораркан, чаноқларда қийғос очилган пахталарни авайлаб ушлаб кўрди, ҳар тарафдан суратга ола бошлади.

Мен пахтанинг нима эканини ҳис этиш учун уни қўлда узиб олиб кўриш кераклигини айтдим. Улар эса бир менга, бир пахтага қараб, “Бу мумкинми?” дея сўради. “Нега мумкин эмас?” дедим англамай. Каспарс “Ахир бу бировнинг плантацияси, мулки бўлса, уни сўрамасдан олса бўладими?” деди. Мен қўлимдаги узиб олганим лўппи пахта чаноқларини узатдим-да, “Фақат меҳмонлар учун мумкин, ахир биз меҳмондўст халқмиз, чинакам пахта нима-лигини билмай кетмайсиз-ку!” дея кулиб вазиятдан чиққан бўлдим. Аммо ичимда бир нарсა узилди.

Ҳа, меҳмонлар билан ўтган шу уч кун ичиде уларда кўп нарсани, жумладан, миллатига, миллий тилига жуда баланд эҳтиром ва ўта ҳалоллики кўрдим, ўргандим. Англадимки, аслида, “инсоф”, “ҳалоллик”, “бировнинг ҳақи”, “выждон” каби тушунчалар инсоннинг миллати, дини билан боғлиқ эмас. У қалбда бўлади. Уни оиладаги тарбия, мамлакатдаги қонунлар ва қадриятлар ҳамиша мустаҳкамлаб туради.



“Миллат ўлмайди, агар у ўзини ўзи ўлимга маҳкум этмаса” (Эмиссон). Ҳа, миллий тилга эътиборсизлик, ҳурматсизлик, унинг қадрсизланиши эса айни миллатнинг инкирозга ҳукм этилишидир.

Шундай экан, давлат тили масаласи ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиши, тилимизнинг мавқеини қонуан ҳимоя қилиш, мақомини мустаҳкамлаш адолатли ва ўз ўрнида зарурий давр талабидир. Миллий тил фақат муносабатлар воситаси эмас, балки миллий маданиятимиз қалити, қадриятлар узвийлиги учун туб мустаҳкам илди саяналадир.

Бугунги глобаллашув деб аталаётган шиддаткор бир даврда тилимиз софлигини сақлаш, унга эътиборни қучайтириш, сўзлашувда турли хорижий ибораларни ўринли-ўринсиз ишлатавермаслик тилимиз келажига қўшадиган энг катта ҳиссамиздир.

Маънавият кўзгуси бўлган она тилига муносабат шахснинг маънавиятга муносабатини ҳам белгилайди. Камол топаётган ёш авлодга она тилига эътибор ва эҳтиром, унга давлат тили сифатида қарашнинг масъулияти каби туйғуларни сингдириш ва мустаҳкамлаб бориш долзарб масаладир. Бу ҳусусда кўп ва

Уйга қайтишимиз олдида Минск шаҳридаги катта гипермаркетга кирдик, у бошида турсанг, бу боши кўринмайди. Совга-салом учун ул-бул харид этарканмиз, маҳсулотларнинг хилма-хиллигидан бошим айланиб, мезбон ҳамроҳимиздан сўрадим: “Мана буларнинг қайси бирини олганим маъқул, тоза, сифатлироғи қайси?”. Мезбон бир оз ажабланиб, мени тушунмагандай, савоимга савол билан жавоб қайтарди: “Тозаси қанақа бўлади?”. “Сен ўзинг болаларнинг учун қайсини кўпроқ харид қиласан?”. У англаб етди, шекилли, жилмайиб жавоб берди: “Бизда “тозарок” дегани йўқ. Мен ўзим ва болаларимга хуш ёқадиганини харид қиламан, аммо бу маҳсулот сифати билан боғлиқ эмас, унинг таркиби, ёғиллик даражасига боғлиқ бўлиши мумкин. Сифатсиз маҳсулот савдо брендининг обрўсини тўқади, шунинг учун савдога киритилмайди. Бу маҳсулотларимизнинг барчаси сифатли, мен бунга аминман”.

Яқинда йўлимиз тушиб савдо мажмуасига кирдик. Аксига олиб, ёмгир қуйиб турибди. Рўзгорга зарур маҳсулотларни ҳам ола кетиш мақсадиде расталарни айлана бошладик. Колбаса ва пишлоқ олиш

— Маҳсулотни шунақа ахволда сақлайсизларми? Булар, аслида, қадқолган, сифат талабларига жавоб берадиган ҳолда сақланиши керакмасми?

— Бу маҳсулотлар вилоятларга жўнатиладигани, сизга тозасидан, қадқолганидан бераман, — деди советкичи очиб.

— Тушунмадим, вилоятдаям бунн одамлар ейди-ку! Етиб боргунича нима ахволда бўлади? Оладиган одамларнинг соғлигига зиён эканини биласиз-ку!

Сотувчининг энсаси қотди:

— Бугёи менинг муаммом эмас...

Ватан олдидаги бурч, аввало, шу — сени вояга етказган замин, миллат, халқ, юртдошларингга бўлган муносабат; меҳру оқибат, ўз ишингга масъулият ва имонинг бутлигидан бошланади. Бугун сен кўз юмган кичкинагина иллат эртга катта талафот бўлиб ўз бошингга, яқинларинг зиммасига юкланиши тарихда кўп бора такрорланган ва такрорланажак ҳақиқатдир. Аввало, ўзимиз, қолаверса, Аллоҳ олдида юзимиз ёруғлиги, қалбимиз поклиги ҳар биримиз учун буюк саодатдир.

Ватан мавзусида кўп ёзамиз, аммо бу тушунча, бу меҳрни қалбдан, ич-ичингдан ҳис қилиш қанчалар улкан бахт эканини англаб етавермаймиз баъзида. Яқинда ҳаж зиёратидан қайтган бир дугонамизнинг онасини йўқлаб бордик. Етмишга яқинлашган онахоннинг суҳбатини эшитиб ҳаяжонландим. Онахонимиз ҳаж зиёрати таассуротларини бундай ҳикоя қилди:

“Ҳаж амалларини бажариб юрган кунларимизнинг бирида ибодатга берилиб, ўз гуруҳдошларим, яқинларимдан ажсралиб қолиб кетибман. Бир пайт қарасам, нотаниши жойдаман, нотаниши одамлар. Бошқа мамлакат зиёратчилари ҳаммаси ўз байроқларини қўтариб олган. У ёқ-бу ёққа алангайман, қани энди бизникилар, бизнинг байроғимиз қўри-на қолса. Уша ерда юрган назоратчи йиғит ёнида бориб, “Ўзбекистон, мен ўзбекистонликман...”, дея амаллаб, адашиб қолганимни тушунтирдим. У бош сиккиди-да, ёнида бир дастёр йиғитни қачириб, алланамалар деди. Муслим йиғит менга йўл бошлаб кетди. Йиғитчанинг ортидан кетялман-у, ҳар томонча алангайман, кўзларим кўк, яшил, оқ рангли қадрдон байроқни излайди. Анча юрдик ва ниҳоят, бир мулошидан ўтиб, ҳилтираб турган Ўзбекистон байроғига қўзим тушди. Юрагим бир ҳапқирди-бир ҳапқирдики, кўзларимдан ёш шашқатор бўлиб оқа бошлади. Мен шу ёнига кириб, бунчалар соғинччи, бунчалар ҳаяжончи ҳис этмагандим. Шу онда юртим байроғини олиб, кўзларимга тўтиё қилиб сургим, боламини эркалагандай бағримга босиб, қучиб ўнгим келди. Гуруҳдошларим ҳам мандан хавотир олиб турган экан, кўринишим билан мен томон шиддамиди. Кўзларимдаёи ёшни қўриб, хавотир аралаш шошиб сўроққа тутишди. Бир оз ўзимга келсам, айтдим: “Қаранг, бизнинг байроғимиз ҳамма юртларниқадан чироқил-я!..”

Кейин онахон бир ҳўрсиниб, қўшиб қўйди: “Мен-ку, муқаддас жойида бир он юртдошларимни йўқотиб қўйиб, Ватан қадрини ҳис этдим, фироғига чидамидим. Ватандан олисда йиллаб юрганлар бу айрилиққа қандай чидарган-а?”

Онахоннинг ҳикояларини эшитиб, ўтирганлар анча пайт сукутда қолдик...

Бир рассомдан бахтнинг суратини чизиб беришини сўраганида, у ўйланиб ўтирмай, қафдаги бир сикм тупроқ расмини чизган экан. Ҳа, бахтимиз, орзу-мақсадларимиз рўёби, шодлигимиз таъми мана шу тупроқдана тотли, хузурубаш. Биз мана шу тупроқ — ана Ватан бағридагина чинакам бахтни ҳис эта оламиз, узсиз эса ҳар қандай бойлигу шодлигимиз, юксалишларимиз қиймати ногла тенглашади.



ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.